

## **ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ФИСКАЛ САМАРАДОРЛИГИ**

А.Т.Агзамов

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент, Ўзбекистон*

Мазкур мақолада мамлакатимизда солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг концептуал асосларида жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг аҳамияти ва вазифалари ёритилган, жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг фискал элементлари таҳлили натижасида солиқ базаси ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар, уларнинг 2012-2018 йиллардаги динамикаси ўрганилган ва улар юзасидан хулосалар чиқарилган. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими фискал аҳамиятини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** солиқ сиёсати, фискал самара, жисмоний шахслар, аҳоли сони, солиқ тўловчилар сони, жисмоний шахслардан олинадигандаромад солиғи, солиқ базаси, солиққа тортиш усуллари, прогрессив тизим, текис (пропорционал) солиқ шкаласи.

В данной статье изложены значение и задачи налогообложения физических лиц в концептуальных основах налоговой политики в нашей стране, на основе анализа фискальных элементов налогообложения физических лиц были изучены факторы, влияющие на изменение налоговой базы, их динамика за 2012-2018 годы и сделаны соответствующие выводы. Даны предложения по укреплению фискального значения системы налогообложения физических лиц.

**Ключевые слова:** налоговая политика, фискальный эффект, физические лица, число населения, число налогоплательщиков, налог на доходы физических лиц, налоговая база, методы налогообложения, прогрессивная система, плоская (пропорциональное) шкала налогообложения.

### **КИРИШ**

Мамлакат солиқ тизимидаги, шу жумладан жисмоний шахсларни солиққа тортиш амалиёти соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш, уларнинг кўламини кенгайтириш ва ҳаётий эҳтиёжлардан келиб чиқиб юзага келаётган муаммоларнинг ечимига жавоб бера оладиган ҳолда модернизациялаш бугунги куннинг энг устувор йўналишлардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–4947-сон Фармони билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясининг III-Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари иккинчи бандида: “солиқ юқини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш”[1] зарурлиги таъкидланган. Шунингдек, “Аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича

фарқланиш даражасини янада камайтириш” бўйича ислохотлар Ҳаракатлар стратегиясида яна бир устувор йўналиш сифатида белгилаб олинган.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ кенг кўламли ислохотлар ижтимоий-иқтисодий соҳадаги давлат сиёсатининг молиявий ифодасини акс эттирувчи солиқли даромадлар ижроси ҳамда бунинг натижасида яна ижтимоий ривожланиш учун харажатларнинг изчил ортишига таъсир этиши табиий ҳолдир. Бу ўз навбатида давлат бюджети даромадларини миқдор ва сифат жиҳатдан янада кўпайтириш, даромад тушуми самарадорлигини оширишга йўналтирилган ислохотларни чуқурлаштиришни талаб қилади. Бир пайтнинг ўзида солиқ юкини пасайтириш, иқтисодиётнинг айрим тармоқ ва соҳаларини солиқлар воситасида қўллаб-қувватлаш тизимини янада кучайтиришга йўналтирилган ислохотларнинг кун тартибидаги долзарб масала сифатида майдонга чиқарилиши давлат бюджетига қўшимча потенциал даромадларни қидириб топиш ва уни мобилизация қилиш заруратини туғдирмоқда.

Юқоридаги устувор йўналишлар асосида Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинган бўлиб, ушбу концепцияда “.....солиқ тўловчилар томонидан ходимларнинг реал сонини ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондини яширишга олиб келувчи меҳнатга ҳақ тўлаш фонди солиқ ставкаларининг юқорилиги”[2] эътироф этилган. Натижада, 2019 йилдан, иш ҳақи фондидан кўп босқичли солиққа тортиш тизимини қисқартириш ва “.....барча фуқаролар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ягона ставкасини 12 фоиз миқдорида жорий этиш, шундан 0,1 фоизини шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига йўналтириш”-бўйича янги тартиб амалиётга киритилди[3].

Демак, солиқ тизимининг муҳим элементи ҳисобланган жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимидаги ислохотларнинг миллий иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб ривожланишида ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, уларнинг реал даромадларини оширишда муҳим фискал омил бўлиб ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, мазкур мавзуда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан саналади.

## **МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

Мамлакат миқёсида яратилган ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш жараёнида молиявий инструментларнинг кенг арсенали иштирок этиб, солиқлар давлат ихтиёрида шакллантириладиган марказлаштирилган фондлар молиявий ресурсларини шакллантириш инструменти ҳисобланади. Солиқлар миллий даромадни асосий тақсимловчи категориялардан бири сифатида ижтимоий манфаатларнинг молиявий асосини ўзида ифодаловчи давлат бюджети даромадларини шакллантириш инструменти ҳисобланади[4].

Давлат аҳолининг маълум қатламлари ўртасида даромадларни қайта тақсимлаш воситасида солиқлардан адолатли фойдаланишни таъминлайди[5]. Бу ерда асосий урғу солиқлар воситасида даромадларни қайта тақсимлаш

орқали пировард натижа сифатида аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасида даромадларни қайта тақсимлаш тизимига қаратилган.

Солиқлар воситасида даромадларни оптимал қайта тақсимлаш қўшилган қиймат ҳисобига яратилган молиявий ресурсларни ижтимоий секторга трансформациялаш негизида миллий бойликни кўпайишини таъминлаш билан белгиланиши эътироф этилади [6].

Бунда мамлакат иқтисодиётида яратилган даромадларни солиқлар воситасида бирламчи тақсимлаш орқали ижтимоий соҳалар молиявий ресурслар манбаларининг шаклланишига урғу берилган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими аҳолининг иқтисодий фаол қатлами томонидан яратилган даромаднинг бюджет канали орқали ижтимоий соҳаларга бирламчи қайта тақсимлаб, иқтисодий нофаол аҳоли қатламининг моддий эҳтиёжларининг молиявий асоси яратилади. Ушбу солиқлар юридик шахслардан олинadиган солиқларга нисбатан бир қатор хусусиятларга эга бўлиб, мамлакат иқтисодиётининг мутаносиб ривожланишини таъминлаш ва ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ зиддиятларни кучайиши билан боғлиқ хатарларни келиб чиқишига мойиллиги юқоридир. Шунинг учун ҳам жисмоний шахсларни солиққа тортиш масалалари инсоният тарихий тараққиётининг дастлабки давридан то ҳозирги кунгача кенг жамоатчилик томонидан ҳам асосий муаммо сифатида тадқиқ этиб келинмоқда.

Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар айрим тараққий этган давлатларда давлат бюджетининг 60 фоизидан кўп қисмини ташкил этади ва шунинг учун улар давлат хазинасини тўлдиришнинг муҳим манбаси ҳисобланади [7].

Солиқлар нафақат фискал, балки шу билан бирга ижтимоий функцияни ҳам бажарганлиги боис солиқ сиёсати фуқароларга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатиш воситаси сифатида давлат ижтимоий функцияларининг бажарилишида алоҳида роль ўйнайди. МОТнинг “Ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсадлари ва нормалари тўғрисида”ги №117-сонли Конвенциясида таъкидланишича, “ҳар қандай сиёсат, энг аввало, аҳоли фаровонлиги ва тараққиётини таъминлашга, ижтимоий прогрессга ҳаракатларни рағбатлантиришга йўналтирилмоғи лозим” [8].

Мамлакатнинг келгусидаги иқтисодий ўсиши, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, жисмоний шахслар даромадидан солиқнинг объекти бўлмиш фоизли даромадлар, дивидендлар кўринишидаги даромадлар, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятдан олинadиган даромадлар аҳамиятининг ўсиши солиқ базасини аниқлаш жараёнига янгича ёндошувни ишлаб чиқиш заруриятини белгилади [9].

Ҳозирги замон иқтисодий адабиётида унчалик кенг ёритилмаган “жисмоний шахсларнинг турли даромад турларини янада тўлиқроқ солиққа тортиш мақсадидаги даромадини аниқлаш” муаммоси янада кўпроқ ўрганилиши лозим. Шунинг асосида, илмий асосланган ҳолда, жами даромад тамойили асосида жисмоний шахслар даромадлари таснифланиши масаласи ҳал этилишига эришилади [10].

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг замонавий тизимини ислоҳ қилиш мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун комплекс мақсадлар тизимига эгадир. Солиқ тизимининг элементи сифатида жисмоний шахсларни солиққа тортиш асосий мақсади ва функцияси фискал функция бўлиб, фискал самарадорлик солиқ юкининг оптимал даражасида бюджетга солиқ тушумларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Маълумки дунёнинг деярли барча мамлакатларида шаклланган солиқ тизимида жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш орқали турли даражадаги бюджетларнинг даромадларини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Ушбу жараёни Ўзбекистон Республикаси мисолида кўриб ўтадиган бўлсак, қуйидаги манзарани гувоҳи бўлишимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2012 йилда ялпи ички маҳсулотнинг номинал миқдори 97029,3 млрд. сўмдан то 2018 йилгача барқарор ўсиб бориб 407514,5 млрд. сўмга етган. Ялпи ички маҳсулотни таҳлил қилинаётган даврдаги барқарор ўсиши давлат бюджетига солиқлар орқали қайта тақсимлаш тизимини ҳам изчил ошириб боришнинг моддий асосини ташкил қилиши табиий ҳолдир.

### 1-жадвал

#### Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумларининг динамикаси таҳлили (млрд. сўм)<sup>1</sup>.

т/р	Кўрсаткичлар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
1	ЯИМ, млрд сўм	97029.3	118986.9	144867.9	171369.0	198871.6	249136.4	407514.5
2	Давлат бюджети даромадлари, млрд сўм	21295.8	26223.2	31729.6	36184.9	40505.0	49469.6	62229.5
3	Энг кам иш ҳақи	79590	96105	118400	130240	149775	172240	202730
4	Аҳоли сони, минг киши	29555.4	29993.5	30492.8	31022.5	32120.5	32653.9	33100.2
5	Жисмоний шахслар тўлаган жами солиқлар, млрд. Сўм	3134.8	3625.9	4360.0	4824.4	5595.7	7024.6	8819.0
6	Аҳоли жон бошига ундирилган солиқларнинг динамикаси, минг сўм	106,1	120,9	143,0	155,5	174,2	215,1	265,2

Натижада давлат бюджети даромадлари ҳам 2012 йилда 21295,8 млрд. сўмдан 2018 йилга келиб 62229,5 млрд. сўмгача ўсиш суръатига эга бўлган. Жисмоний шахслар тўлаган солиқлар ҳам параллел равишда 2012 йилда 3134,8 млрд. сўмни, 2018 йилга келиб эса ушбу кўрсаткич 8819,0 млрд. сўмни ташкил қилган. Аҳоли жон бошига ундирилган солиқлар 2012 йилда 106,1 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2018 йилда 2,5 баробардан кўп ўсиш кузатилиб 265,2 минг сўмга етган.


Таҳлил қилинаётган даврда ялпи ички маҳсулотда давлат бюджетининг улушини камайиши кузатилаётган бўлса-да, ялпи ички маҳсулотга нисбатан жисмоний шахслардан ундирилган асосий солиқларнинг камайиш суръати

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

нисбатан паст даражада бўлган. Натижада давлат бюджети даромадларини шакллантиришда жисмоний шахслардан ундирилган асосий солиқларнинг улуши 2012 йилда 14,7 %ни, 2018 йилга келиб эса 14,2%ни ташкил қилган. Бунинг сабаби, 2018 йилда давлат бюджети даромадларининг 2017 йилга нисбатан ўсиш суръатидан (26%), 2018 йилда жисмоний шахслар тўлаган солиқларнинг 2017 йилга нисбатан ўсиш суръати (25%) нинг паст эканлигидир.

Бу ўз навбатида иқтисодиётдаги соф солиқ юкининг пасайишида унинг таркиби ҳисобланган жисмоний шахслардан олинadиган солиқларга нисбатан юридик шахслар зиммасидаги солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича солиқ юкининг пасайиши муҳим рол ўйнаётганлигидан далолат беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, жисмоний шахслардан ундирилган асосий солиқларни ялпи ички маҳсулотдаги улуши таҳлил қилинаётган 7 йил мобайнида сезиларсиз пасайиш тенденциясига эга бўлса-да, истеъмол солиқлари бўйича юқори даражадаги солиқ юки аҳолининг барча қатламлари истеъмол талабига салбий таъсир этувчи омиллардан бири бўлмоқда (1-расм).



### 1-расм. Жисмоний шахслардан ундирилган жами солиқларнинг фискал самарадорлиги таҳлили.

Қолаверса, ушбу солиқ тушумларининг давлат бюджетидаги салмоғини ортишига солиқ тўловчи жисмоний шахслар сонининг ортиши ҳам катта таъсир этмоқда. Бунинг кўришдаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин (2-жадвал). Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, жами аҳолининг сони 2012 йилда 29555,4 минг кишини ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб ушбу кўрсаткич 33100,2 минг кишига етган. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда асосий фискал омил родини ўйновчи солиқлардан бири бўлган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини тўловчиларнинг сони 2012 йилда 3481,2 минг кишини ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2018 йилга келиб 4545,2 минг кишига етган. Демак, солиқ тўловчи ёлланма меҳнат билан шуғулланувчи жисмоний шахслар сонининг ортиши ҳам солиқ тушумларининг номинал мазмундаги ўсишига таъсир кўрсатган. Мол-мулк солиғини тўловчи жисмоний шахсларнинг сони ҳам 2012 йилда 3811,7 минг кишини ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб ушбу кўрсаткич 5994,4 минг кишига етган.



Ер солиғи тўловчи жисмоний шахсларнинг сони ҳам 2012 йилда 3501,4 минг кишидан 2018 йилга келиб 5171.0 минг кишига етган. Ушбу ҳолат ихтиёрида мол-мулк ва ер ресурслари мавжуд аҳоли қатламининг ортиб бориши ҳам солиқ тушумларининг ўсишига таъсир этмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган қатъий белгиланган солиқ тўловчилари сони 191,3 минг кишидан 2018 йилга келиб 360.1 минг кишига етган.

## 2-жадвал

### Жисмоний шахслардан ундириладиган солиқлар кесимида солиқ тўловчилар сони тўғрисида маълумот (минг киши)<sup>2</sup>.

	Кўрсаткичлар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
1.	Аҳоли сони, минг киши	29555.4	29993.5	30492.8	31022.5	32120.5	32653.9	33100.2
2.	Жисмоний шахслар даромад солиғи тўловчилари сони, минг киши	3481.2	3542.2	3769.0	3850.0	4256.6	4409.0	4545.2
3.	Жисмоний шахслар мол мулк солиғи тўловчилари сони, минг киши	3811.7	3952.2	4251.6	4623.4	4919.7	5343.4	5994.4
4.	Жисмоний шахслар ер солиғи тўловчилари сони, минг киши	3501.4	3552.1	3967.1	4325.4	4521.2	4659.4	5171.0
5.	Тадбиркорлик фаолиятда қатъий белгиланган солиқ тўловчилари сони, минг киши	191.3	202.5	227.6	251.8	274.9	279.7	360.1

Ушбу ҳолат аҳоли таркибида унча катта бўлмаган яқка тадбиркорлик субъектларининг таҳлил қилинаётган даврдаги изчил ўсиб бориши солиқ тушумларига ҳам таъсир этаётганлигидан далолат беради.

Аҳоли сонининг ўсиш динамикасида унинг таркибидаги солиқ тўловчи жисмоний шахслар сонининг ўсиш суръатини аниқлаш учун қуйидаги жадвал маълумотларига мурожаат қиламиз (3-жадвал).

## 3-жадвал

### Аҳоли сони ва унинг таркибидаги солиқ тўловчи жисмоний шахслар сонининг ўзгариш эластиклигини ҳисоблаш<sup>3</sup>

Кўрсаткичлар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
Аҳоли сони, минг киши	29555,4	29993,5	30492,8	31022,5	32120,5	32653,9	33100,2
Жисмоний шахслар солиқ тўловчилари сони, минг киши	10985,6	11249	12215,3	13050,6	13972,4	14691,5	16070,7
$\Delta_p$		438,1	499,3	529,7	1098	533,4	446,3
$\Delta_{pTD}$		263,4	966,3	835,3	921,8	719,1	1379,2
2012 йилга нисбатан ( $\Delta_p$ ) аҳолининг йиллик ўсиш суръати, %да		1,48	1,69	1,79	3,72	1,80	1,51
2012 йилга нисбатан ( $\Delta_p$ ) солиқ тўловчи жисмоний шахслар йиллик ўсиш суръати, %да		2,40	8,80	7,60	8,4	6,5	12,5
		$T_{(\Delta p)} < T_{(\Delta pTD)}$	$T_{(\Delta p)} < T_{(\Delta pTD)}$	$T_{(\Delta p)} < T_{(\Delta pTD)}$	$T_{(\Delta p)} < T_{(\Delta pTD)}$	$T_{(\Delta p)} < T_{(\Delta pTD)}$	$T_{(\Delta p)} < T_{(\Delta pTD)}$

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

<sup>3</sup>1-2-жадвал маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.


Номинал мазмундаги аҳоли сонининг йиллик ўсиши ( $\Delta_p$ ) 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 438,1 минг кишини ва унинг таркибидаги солиқ тўловчи жисмоний шахслар сонининг йиллик ўсиши ( $\Delta_{PTD}$ ) эса 263,4 минг кишини ташкил этмоқда. Ушбу кўрсаткичлар 2018 йилда 2017 йилга нисбатан мос равишда 446,3 ва 1379,2 минг кишини ташкил этган.

2012 йилга нисбатан ( $\Delta_p$ ) аҳолининг йиллик ўсиш суръати 2013 йилда 1,48%ни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2018 йилда 1,51 %ни ташкил қилган. Энг юқори йиллик ўсиш суръати 2016 йилда 3,72%ни ташкил қилган.

2012 йилга нисбатан ( $\Delta_p$ ) солиқ тўловчи жисмоний шахслар сонининг йиллик ўсиш суръати 2013 йилда 2,4%ни, 2018 йилдаги йиллик ўсиш суръати эса 12,5 %ни ташкил қилмоқда.

Кўришимиз мумкинки, аҳолининг йиллик ўсиш суръатига ( $T_{\Delta p}$ ) нисбатан, унинг таркибидаги солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг йиллик ўсиш суръати ( $T_{\Delta PTD}$ ) таҳлил қилинаётган даврда юқори кўрсаткични ташкил қилган.

Давлат бюджетига жисмоний шахслар томонидан тўланган жами солиқлар ва уларнинг алоҳида турлари бўйича тушумларга солиқ тўловчилар сонининг таъсирини таркибий таҳлилни куйидаги расм маълумотлари орқали кўришимиз мумкин (2-расм).



**2-расм. Жами аҳоли таркибида солиқ тўловчи жисмоний шахслар тўғрисида маълумот<sup>4</sup>**

Аҳолининг жами таркибида солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг улуши 2012 йилда 37,17 %ни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2018 йилда 48,5 %га етган. Ушбу солиқ тўловчилар қатламини икки тоифага ажратиш мумкин: иқтисодий фаол ва иқтисодий нофаол аҳоли қатламидаги солиқ тўловчилар. Хусусан, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва тадбиркорлик фаолияти бўйича қатъий белгиланган солиқни тўловчи аҳоли қатламини тўлиқ иқтисодий фаол аҳоли қатламини ташкил қилувчи солиқ тўловчи жисмоний шахслар тоифасига киритишимиз мумкин.


<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари

Мол-мулк ва ер солиғини тўловчи жисмоний шахслар шахсий тасарруфида ер ва мулк қийматликлар мавжуд аҳоли қатлами ҳисобланиб, улар иқтисодий фаол ва иқтисодий нофаол аҳоли қатламини ташкил қилади.

2-расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, даромад солиғи тўловчилари 2012 йилда жами аҳоли таркибида 11,78 фоизни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2017 йилда 13,5 фоизга, 2018 йилга келиб 13,7 фоизга ўсиб борган. Демак, 2012 йилда мол-мулк солиғи тўловчилар сони жами аҳоли таркибида 12,9 фоизлик, 2017, 2018 йилларда ҳам 16,4 ва 18,1 фоизлик улуши билан етакчилик қилган. 2017, 2018 йилларда ер солиғи тўловчилари (14,2 ва 15,6) ҳамда даромад солиғи тўловчилари мос равишда 13,5 ва 13,7 фоизлик улуши билан етакчилик қилган. Бу ўз навбатида иқтисодий фаол аҳоли қатламидаги ёлланма меҳнат фаолияти билан банд аҳоли сонининг фаол ортиб борганлигини тасдиқлайди.

Демак, аҳоли сонининг ўсишига нисбатан унинг таркибидаги иқтисодий фаол аҳоли қатламининг ўсиши иқтисодий сиёсатда нафақат бандлик, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ стратегик мақсадлар самарали ижросини ифодалайди, балки давлат молиявий ресурслари фондларининг даромадлар базаси барқарорлигига ҳам таъсир этмоқда.

2013-2018 йилларда ўтган йилларга нисбатан жисмоний шахслардан ундириладиган асосий солиқлар бўйича солиқ тўловчилар сонининг ўсиш суръати аҳоли сони ўсиш суръатига нисбатан деярли юқори бўлган.



### 3-расм. Аҳоли ва солиқ тўловчи жисмоний шахслар сонининг йиллик ўсиш динамикаси (ўтган йилга нисбатан фоизда)<sup>5</sup>

Таҳлил қилинаётган даврдаги солиқ тўловчилар сонининг ўтган йилга нисбатан энг юқори ўсиш суръати 2016 йилда жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқда кузатилган бўлиб, ўсиш суръати олдинги йилга нисбатан 106,5 %ни ташкил қилган. 2013-2016 йилларда олдинги

<sup>5</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



йилларга нисбатан юридик шахс мақомига эга бўлмаган, яқка тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг сони юқори ўсиш суръатига эга бўлган. Натижада уларнинг сони ўтган йилга нисбатан мос равишда 2013 йилда-105,9%, 2014 йилда-112,4 %, 2015 йилда-110,6 %, 2016 йилда -109,2 %, 2017 йилда 101,7%, 2018 йилда эса 128,7% ни ташкил қилган.

Солиқ тўловчи жисмоний шахслар сони билан улар томонидан тўланган солиқлар бўйича тушумларни таҳлил қиладиган бўлсак, яна бошқача манзарани гувоҳи бўлишимиз мумкин (4-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибик, жами солиқ тушумлари 2012 йилда 3134,8 млрд. сўмни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткич таҳлил қилинаётган даврларда изчил ўсиш суръатига эга бўлиб, 2017 йилда 7024,6 млрд. сўмга, 2018 йилда эса 8819,0 млрд. сўмга етган.

#### 4-жадвал

#### Жисмоний шахслар томонидан тўланган солиқларнинг таркиби ва динамикаси таҳлили, млрд. сўм<sup>6</sup>.

	Кўрсаткичлар	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
1.	Давлат бюджети даромадлари	21295.8	26223.2	31729.6	36184.9	40505.0	44469.6	62229,5
2.	Жисмоний шахслардан ундирилган асосий солиқлар	3134,8	3548,6	4300,1	4850,8	5595,7	7024,6	8819.0
3.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	2241,8	2253,5	2854,1	3285,6	3835,4	4876,5	6422.6
4.	Жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи	273,0	285,6	356,4	382,6	445,1	575,6	708,3
5.	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	201,9	220,1	285,4	315,2	402,7	532,1	663,2
6.	Тадбиркорлик фаолиятнинг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ	418,1	789,4	804,2	867,4	912,5	1042,8	1024,9

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича тушумлар жами солиқларда энг юқори кўрсаткични ташкил қилиб, 2012 йилда 2241,8 млрд. сўмни, 2018 йилга келиб эса 6422,6 млрд. сўмни ташкил қилган. Таҳлил қилинаётган даврларда барча солиқлар бўйича тушумлар деярли 2 баробардан кўп миқдорда ортиб борган.

Жадвал маълумотлари асосида кўришимиз мумкинки, тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларига қатъий белгиланган солиқ тўловчилар сони 2018 йилда 2017 йилга нисбатан ўсиш тенденциясига эга бўлса-да (128,7 %), улар томонидан тўланган солиқлар миқдор кўрсаткичларида пасайиш (-1,7%) кузатилиб, 2018 йилда 1024,9 млрд. сўмни ташкил қилган.

Жисмоний шахслардан мол-мулк солиғи бўйича тушумлар 2012 йилда 273,0 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2018 йилда 708,3

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

млрд. сўмга етган. 2018 йилда 2012 йилга нисбатан ўсиш суръати (2,6 марта) жисмоний шахслардан ундирилган асосий солиқлар бўйича ўртача ўсиш (2,8 марта)дан паст даражада бўлган.

Жисмоний шахслардан ундирилган солиқлар бўйича тушумлар миқдорининг ортиб бориши натижасида уларни йиллик ўсиш суръатида ҳам хаотик ўзгаришларни кузатишимиз мумкин. 2012 йилга нисбатан 2013 йилда давлат бюджети даромадларининг ўсиш суръати 123,1 %ни ташкил қилиб, жисмоний шахслардан ундирилган асосий солиқларнинг ушбу даврдаги ўсиш суръати паст даражани, яъни 113,2 % ни ташкил қилган (2017-2018=140/125,5).

Демак, давлат бюджетига даромадлар тушумининг ўсиш суръатида, юридик шахслар томонидан тўланадиган солиқлар бўйича тушумнинг ўсиш суръати юқори бўлаётганлигини тасдиқлайди.

Бизнинг фикримизча, жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ тушумларининг ўсиш суръати унинг таркибида юқори фискал аҳамият касб этувчи солиқларнинг ўсиш суръатининг динамик ўзгаришига кучли таъсир этади.

## **ХУЛОСАЛАР ВА ТАКЛИФЛАР**

Давлат бюджети харажатларини молиялаштиришга йўналтирилган солиқларнинг барқарор тушумини таъминлашни, солиқ юқини изчил камайтириш негизида иқтисодий ўсишга эришишга позитив таъсир этувчи ўзаро уйғунлашган солиқ тизимини шакллантириш Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсати концепциясининг бош мақсадини ташкил қилади.

Яқин истиқболда жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизимидаги ислохотлар самарали ижросини таъминлашда ечимини кутаётган бир қатор муаммолар мавжуд:

- маълумки, солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг бош мақсади – сифатида “Ўзбекистон иқтисодиётини динамик ривожлантириш ва янги ишчи ўринларини яратиш” қаралмоқда. Фискал нуқтаи-назаридан, бошқа омиллар таъсири ўзгармас бўлганда бундай ёндошув солиқ юқини оширмаган ҳолда солиқ базасини кенгайтириш имконини беради;

- жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг амалдаги тизими юқори даражадаги солиқ юқи шароитида реал даромадларнинг барқарор даражасини таъминлаш нуқтаи-назардан оптимал даражани ташкил этмайди;

- жисмоний шахслар даромадларини прогрессив солиққа тортиш тизими аҳоли ижтимоий қатламлари ўртасидаги даромадлар тенгсизлигини мувозанатлаштиришда муҳим рол ўйнаган бўлса-да, истеъмол таркиби ва жамғариш нормасига макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш нуқтаи-назаридан позитив таъсир этмайди;

- жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизимидаги жорий этилган пропорционал (текис) солиққа тортиш тизими аҳолининг қатламлари ўртасида даромадларни тақсимланишида ижтимоий адолатлилик принципларини бузилиши ва даромадлар тақсимланишидаги тенгсизликни кучайиш рискни вужудга келтириши мумкин;

-солиқ имтиёзлари тизими жисмоний шахсларни солиққа тортишда горизонтал ва вертикал тенглик тамойилларига риоя қилиш билан боғлиқ зиддиятларни кучайтирмоқда.

Фикримизча, *жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимининг фискал элемент самарадорлигини оширишда* қуйидагиларни эътиборга олиш лозим:

1. Дарҳақиқат, Ўзбекистон иқтисодиёти олдида турган асосий талаб – жаҳон иқтисодиётининг замонавий талабларига, ривожланиш даражасига ҳамда чақириқларига жавоб бера оладиган ишчи ўринларининг максимал миқдорини таъминлаш ҳисобланади. Ваҳоланки, мамлакатимизда мавжуд *меҳнатга лаёқатли аҳолининг учдан бир қисмигина* жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчилари ҳисобланади. Мазкур фойдаланилмай ётган улкан заҳира мамлакатимиз иқтисодиёти динамик ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Бироқ, бизнинг фикримизча, солиқ сиёсатини такомиллаштириш солиқ муносабатлари учун, солиққа тортиш амалиёти учун нима бера олишлигини, бу соҳадаги асосий урғу нимага қаратилишини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Бунда, *“солиқ солиш механизмини соддалаштириш ҳамда солиқ маъмуриятчилигида замонавий усулларни қўллаш орқали солиқ солиш базасини кенгайтириш ва йиғилувчанликни ошириш”* муҳим аҳамият касб этади.

**Солиқ сиёсатини такомиллаштириш миллий солиқ тизимини “давлатнинг фискал мақсадлари ва самарали солиқ дастаклари ўзаро муносабат ва уйғун амал қилиши”ни таъминлаган ҳолда мукаммаллаштириш, солиққа тортиш амалиётида “ҳамкорликда ўсишга эришишни таъминлашнинг солиқҳолатини жорий этиш”га қаратилган солиқ органлари ва солиқ тўловчилар манфаатлари муштараклигини таъминлаш орқали инвестицион фаоллик ҳамда солиқ тушумлари ўсиши истиқболларини таъминлашга қаратилмоғи лозим.**

2. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимининг *фискал элементлари фаолияти самарадорлигини* солиқ базасини мустаҳкамлаш, солиққа тортишнинг ижтимоий функцияси аҳамиятини унутмаган ҳолда прогрессив тизимга босқичма-босқич ўтиб борилишини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, даромадни кўпайтириш ва легаллаштириш, йирик харидлар ҳисобини йўлга қўйиш орқали жисмоний шахслар солиқ базасини аниқлашнинг мукаммал тизимига ўтиш орқали таъминлаш зарур.

3. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш маъмуриятчилигини такомиллаштиришга эришиш керак. Бунинг учун: солиқ органлари ишини ташкил этишда *“мижозга асосланган ёндошув”*ни жорий этиш, такомиллаштириш ва янада мукаммаллаштириш; назорат фаолиятининг таъсирчан шакллари ва усулларига асосланган солиқ маслаҳати институтини такомиллаштириш зарур.

Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизимининг фискал самарадорлигини оширишга ва аҳолининг ўз капитали дахлсизлиги ва уни кўпайтиришдан манфаатдорлигига давлат кафолати мавжудлигига бўлган ишончининг ортишини таъминлайди.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. Тошкент ш., 2017 йил 7 февраль, 1-илова.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5468-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-508-сонли Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сонли Қарори.
4. Майбуrow И. А. Теория и история налогообложения: учеб.пособие для студентов вузов, обучающихся по специальности «Финансы и кредит», «Налоги и налогообложение».- М. 2010. С. 9.
5. Самуэльсон П., Нордхаус В. Экономика. —М.: Вильямс, 2014. — 1360 с
6. Блауг М.Пигу, Артур С. // 100 великих экономистов до Кейнса= Great Economists before Keynes: An introduction to the lives & works of one hundred great economists of the past. — СПб.: Экономикус, 2008. — С. 240-243. — 352 с.
7. Алиев А.М. Совершенствование механизма налогообложения физических лиц. Автореферат дисс. на соиск. уч.степени к.э.н. Махачкала, 2011.-24с.
8. Шлянкевич С.В.Усиление социальной функции налогов в механизме налогообложения физических лиц. Автореферат дисс. на соиск. уч.степени к.э.н. Москва, 2012.-27с.
9. Дождева Е.Е. Фискальные элементы налога на доходы физических лиц в Российской Федерации. Автореферат дисс. на соиск. уч.степени к.э.н. Саратов, 2014.-26с.
10. Тюрина Ю.Г. Налогообложение доходов физических лиц: приоритеты и перспективы развития в России. Автореферат дисс. на соиск. уч.степени к.э.н. Оренбург, 2016.-24с.